

Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кишиларга дин аҳкомларини ўргатиш, уларни ҳидоятга бошлаш нақадар савобли ва улуғ иш эканлигини баён қилмоқдалар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳадисни ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуга у кишини Ҳайбарга юбораётиб айтганлар.

Маълумки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар қандай нарсага қасам ичавермайдилар. Аммо бу ҳадисда кўтарилаётган масала ўта муҳим бўлганлиги учун уни «Аллоҳга қасамки», деб бошлаганлар.

«Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сенинг иршодинг ила бир кишини ҳидоят қилмоғи сен учун қизил туялардан кўра яхшироқдир».

Арабларда ўша пайтда энг гўзал ва мўътабар мулк – айни етилиб, қизғиш тусга кирган туя ҳисобланган. Бу билан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Алига: «Эй Али, сенинг бир одамни ҳидоятга киришига сабаб бўлганинг энг яхши мулк бўлмиш қизил туяларни садақа қилганингдан яхшироқдир», демоқчилар.

Кишиларни ҳидоятга бошлаш, уларга илм ўргатиш Ислом динида энг улуғ ишлардан эканлиги китобнинг аввалидан айтиб келинмоқда. Бу ҳадиси шарифдан эса бир инсонга илм ўргатиб, билмаган нарсасини билдириб, хатосини тўғрилаб, уни тўғри йўлга иршод қилиб қўйиш қанчалар савобли иш эканлигини билиб олмоқдамиз.

Ҳозирги ҳаётимизда бу ҳадисга амал қилишга жуда-жуда муҳтожмиз. Чунки бугунги кунда Исломдан анча узоқлашиб кетганмиз. Дунёдаги қанчадан-қанча одамларга Ислом ҳидоятини етказиш лозим. Ҳатто ўзини мусулмон санаб юрганлар ичида ҳам ҳақиқий ҳидоят йўлига тушмаганлар қанча!

Юқоридаги ҳадиси шариф ана шундай кишиларни тўғри йўлга солишга чорламоқда. Чиндан ҳам Исломдан беҳабар юрган бир кишини иршод қилиб, ҳидоят йўлига киритиш қанчалар улуғ савоб!

Мусулмонман, деб туриб, калимаи шаҳодатни айта олмай юрган одамга калимаи шаҳодатни ўргатиш, намоз ўқимаи юрган бетавфиқ одамни иршод қилиб, намоз ўқишни бошлашига сабабчи бўлиш қанчалар улуғ савоб!

Динимизнинг бошқа кўрсатмаларига амал қилмай юрган бир кишини тўғри йўлга тушиб олишига сабаб бўлиш ҳар қандай хайри садақадан кўра афзалдир. Ароқ ичиб, зино қилиб, ўғрилик, қаллоблик ёхуд ифво-бўхтон

билан машғул бўлиб юрганларни бу ёмонликлардан қайтаришга сабаб бўлиш қанчалар улў савоб!

Булар – бир кишининг Аллоҳ ҳидоятига келишига сабабчи бўлганга ваъда қилинаётган савоблар. Бир киши эмас, ўн, юз, минг ва ундан кўп кишиларнинг ҳидоят топишига сабабчи бўлишнинг савоби қанчалар улў эканлигини тасаввур этаверинг!

Шунинг учун ҳам ушбу ҳадис ва унинг руҳини яхши тушунган, унга амал қилган аввалги мусулмонларнинг ҳар бирлари Ислоннинг даъватчиси бўлганлар. Жонкуяр мусулмон албатта салла-чопон кийиб, «мулла» деган ном олган бўлиши шарт эмас. Мусулмонларнинг ҳаммалари даъватчи бўлишлари керак. Баъзи вақтларда муллалардан кўра оддий мусулмонларнинг даъвати таъсирлироқ чиқади. Масалан, мусулмон табиб ўз тажрибаси асосида тибдаги илоҳий мўъжизаларни далил қилиб, кишиларни Ислонга чақирса, қанчалар таъсирли!

Шу каби, бошқа соҳаларнинг одамлари ҳам динини, ўз соҳасини мукамал ўрганиб, кишиларни Ислон дини ҳукмларига амал қилишга чақирмоқлари лозим. Ана ўшанда ўз бурчимизни адо этган бўламиз.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди